

БУГУНГИ КУНДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚАРАШЛАР ВА ҒОЯЛАР ТАХЛИЛИ

Темирова Светлана Владимировна

«Халқаро оммавий ҳуқуқ» кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда глобаллашуви жараёнининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида қарашлар ва ғоялар тахлили ва аждодларимиз маданий меросини чуқур ўрганишида муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги шароитда глобаллашув билан боғлиқ баъзи жараёнлар, айниқса, “оммавий маданият” салбий ҳодиса, миллий қадриятлар ва ананалар билан боғлиқ маданиятга қарши сифатида намоён бўлаётгани, аслида эса бундай жараёнларга “оломон маданияти” деб атасак тўғри бўлади.

Калим сўзлар: *Глобаллашув жараёни, фан, маданият тараққиёти, эзгулик, Оммавий маданият, инсонпарварлик, қадрият.*

ABSTRACT

The article takes an important place in the analysis of views and ideas about the specific features of the globalization process and in-depth study of the cultural heritage of our ancestors. In the current conditions, some processes related to globalization, especially "mass culture" appear as a negative phenomenon, against the culture associated with national values and traditions, and in fact, it is correct to call such processes "crowd culture".

Key words: *Globalization process, science, cultural development, goodness, Popular culture, humanity, value.*

КИРИШ

XIX-XX асрлар давомида фан ва маданият тараққиёти жиҳатидан Европа минтақаси бошқалардан узил-кесил илгарилаб кетди ва натижада “жаҳон фани”, “умуминсоний қадриятлар” деганда биринчи навбатда Европа маданияти унсурлари тасаввур этила бошланди. Янги даврдаги бу минтақанинг ютуқлари кўп жиҳатдан маданий интеграция жараёнлари билан боғлиқ. Бу даврда Европа халқлари (инглизлар, немислар, французлар ва ҳ.к.) минтақа миқёсидаги ўзаро маданий ахборот алмашинув доирасидан чиқиб, ўзга минтақаларда яралган бойликларни ўзлаштира бошладилар. Шарқшунослик кенг ривож олди. Турли фан соҳалари шарқшуносларнинг ютуқларидан ижодий фойдалана бошладилар. Европаликларнинг Осиё ва Африка мамлакатлари ва халқлари ҳаётини ўрганиши, бир томондан, уларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириб,

турли минтақа халқларининг бир-бирларини тушуниш, ўзаро эркин мулоқот қилиш имкониятларини оширган бўлса, иккинчи томондан, муайян ғаразли кучлар учун ўзларига қараганда иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан заифроқ бўлган юртларни босиб олиш, қарамлик асоратига солишга бўлган интилишлари йўлида хизмат қилди.

XX аср охири – XXI аср бошларига келиб интеграция жараёнлари янада авж олди, замонавий ахборот технологияларининг бемисл ривож ва ягона жаҳон ахборот майдонининг шаклланиши бу жараённинг янги босқичга кўтарилишига, “цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши”га олиб келди. Сиёсатга доир илмий адабиётларида бундай жараён “глобаллашув феномени” деб номланмоқда.

Башарият тараққиётидаги бундай ўзгаришларни узил-кесил “яхши” ёки “ёмон” деб, салбий ёки ижобий ҳодиса сифатида баҳолаб бўлмайди. “Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин.” Глобаллашув ва интеграция жараёнларининг талай ижобий имкониятлари мавжуд. Уларни умумлаштириб айтиладиган бўлса, биринчи навбатда турли соҳаларда (жумладан, иқтисод, сиёсат, маданият соҳаларида) “давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши”га хизмат қилиши мумкин, ва дарҳақиқат, бундай ҳамкорлик муносабатлари кундан-кунга кенгайиб ва рангбаранглашиб бормоқда.

Шу билан бирга дунёда барча одамлар ҳам эзгу ниятлар билан иш олиб боради, дейиш қийин. Баъзилар учун бу ҳаётда вужудга келган ҳар бир янгилик уларнинг ўз ғаразли мақсадларига қулай бир восита хизматини бажариши керак. Жумладан, жаҳонда ягона ахборот майдонининг вужудга келиши ҳам бундай бузғунчи кучлар учун “айни муддао” бўлди. Улар зудлик билан бу қудратли воситани ҳам ўз қабих ниятлари йўлида ишга солиш ҳаракатига тушдилар. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бундай ёвуз ниятли кучларнинг Ватани ҳам, миллати ҳам, дину имони ҳам йўқ. Улар гоҳ “исломий” қиёфада, гоҳ “эркинлик ва демократияни олға силжитиш”ниқоби остида ҳаракат қилишлари мумкин¹.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда турли мамлакатларда намойиш этилаётган кино, видеофильм ва шоу-бизнес намойишларининг тўртдан уч қисми Америка маҳсулотига тўғри келади. АҚШнинг глобаллашув жараёнида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, Валладао бундай деб ёзади: “Америка жамияти кўп жиҳатдан

¹ Алломуротов Ш.А. Глобаллашув асослари. Термиз, 2014. -Б. 120.

глобаллашиб улгургани сабабли ўзаро муштарак ва глобал дунёнинг тезроқ шаклланишидан мафаатдор экани шубҳасиздир”. Аммо, бу жараёнлар жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига салбий таъсир ўтказмоқда. Ғарб давлатлари томонидан ижтимоий ҳаётда маданият, санъат, таълим ва фан хизматлари бозорини монополиялаштиришга интилишини глобаллашув жараёнларини келтириб чиқараётган жиддий таҳдидлар қаторига қўшиш мумкин. Бу масалада айниқса Америкаликлар фаол ҳаракат қилмоқдаки, бу масааларга нафақат, Шарқ мамалакатлари, балки дунёқараши, яшаш тарзи, кадриятлари яқин бўлган Европа давлатлари ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини “америкалаштириш”га қаршилик кўрсатаётгани буни тасдиқлайди. Қолаверса бугунги кунда глобаллашув жараёни билан боғлиқ тобора кенг ёйилиб бораётган “Оммавий маданият” деб ном олган маданиятнинг ёшларга таъсири унинг, унинг ижобий томонлари билан биргаликда унинг салбий томонларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. “Оммавий маданият”деб ном олган халқимиз тасаввурларига, тарихий-маданий анъаналарига, шарқона одоб, ахлоқ нормаларига зид қарашлар, порнографик асарлар, сийқа санъат ва ғайрияхлоқий асарлар бугун миллий маданиятларга, миллий ўзликни англашга катта хавф солмоқда.

Мутахассислар “оммавий маданият”нинг кишини ижтимоий муаммоларидан, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлардан узоқлаштириш, чалғитишга қаратилганлигини қайд этишади... “Оммавий маданият”да ўта содда, сийқа қарашлар янгилик, бадий-эстетик кашфиёт сифатида тақдим этилади¹. Рус олими П.И.Глушкoning ёзишича телевидениедаги оммавий маданиятнинг 70-80% эрмак, вақт ўтказишни назарда тутати. Унда бемаъни сийқа сюжетларга қурилган сериаллар, шоу ўйинлар, томошалар ва концертлар намоиш этилади. Концертлар клиплардан иборат бўлиб, муайян “санъаткор”нинг иқтидорини эмас, балки ташқи кўриниши, кийиниши, уй-ҳовлиси кўз-кўз қилинади. Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда “оммавий маданият” телевидениедан кенг ўрин олишга интилмоқда. Телевидение эса ҳаммамизга маълумки бугун нафақат оммавий ахборотни тарқатиш воситаси, балки у инсонларга ижтимоий онгини ва эстетик дидни шакиллантиради. Бундан ташқари ўзича кишиларда дуч келаётган ижтимоий муаммоларни “ечишга” ёрдам беради, у кишиларни ҳаёт ташвишларидан, аниқроғи, ижтимоий муаммолардан чалғитади, уларнинг уйи, ҳаёлини енгил-елпи, сийқа, гоҳо сексуал сюжетларга қурилган дастурлари, кўрсатувлари билан банд қилиб қўяди. Масалан, киши қанчалик қашшоқ, камбағал бўлса, телевидениега

шунчалик кўп боғланади, ҳаётий муаммоларини телевидение орқали ҳал этишга (Эскейпизим-“ессаре”) мойил бўлади.

“Оммавий маданият”да ғайри ҳаётийлик, зўравонлик тарғиб этилади, қаҳрамонлар ғайри ҳайотий шароитга тушиб қолади, бир қаҳрамон юзлаб, ҳатто минглаб қарши кучларни маҳв этади. Инсоний хусусиятлардан маҳрум персонажлар бир-бирининг ичак-чавоқларини титиб йўқотган нарсасини излайди. Уларга ҳеч қандай тўсиқ йўқ: истаса бир хатлаб тўрқават бино устидан сакраб ўтиши, истаса бутун бир шаҳарни яқсон қилиши мумкин. Бундай “асарлар” кишиларда, айниқса, ёшларда ёвузлик, зўравонлик туйғуларни уйғотмай кўймайди². “Оммавий маданият” яратишга ижод қилишга, кишидаги интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга эмас, балки ундаги истеъмолчилик кайфиятини кучайтиради. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, истеъмолчилик кайфиятига берилмайдиган, ундан мутлоқ озод киши йўқ. “Оммавий маданият” кишида ўз маҳсулотларига нисбатан эҳтиёж, зарурият уйғотишни, шу тариқа чиқараётган маҳсулот ва товарларни кўпроқ ва тезроқ сотишни назарда тутаяди.

Энди “оммавий маданият” масаласига чуқурроқ назар соладиган бўлсак, у ҳозирги кунда маданий глобаллашувнинг, маданий экспанциянинг, қолаверса, мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли қуролига айланиб бормоқда.

Шуни эътиборга олиш лозимки “оммавий маданият”да миллий қадрият, миллий хусусият ва миллий тарихга асос йўқ. У миллий маданият, миллий анъана, миллий характер ёки миллий минталитет ҳамда миллий манфаат нима эканлигини билмайди. “Оммавий маданият” нинг моҳияти ва унинг хавфли жиҳатлари ҳақида фикр юритишдан аввал бир тушунчага муайян аниқлик киритиш зарурдир. Чунки “Оммавий маданият”нинг турли олим ва мутахассислар томонидан турлича талқин этилмоқда. Бу борада олим У.Саидов ўзининг “Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот”деб номланган асарида уларни умулаштирган ҳолда қуйдагича ифодалайди: -“Оммавий маданият” – халқ маданияти урф-одатлари, маросимлари, санъати ва ш.к ифодаловчи тушунча. -“ Оммавий маданият” ОАВнинг ривожига билан боғлиқ ҳодиса.

“Оммавий маданият “ ишлаб чиқариш, “кўнгил очиш индустрияси” томонидан яратилган, омма истеъмолига мўлжалланган маданиятнинг сайқаллаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳодисалардир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйдаги фикрлари эътиборимизни тортади: “Табийки, “Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш бошқа халқларнинг

неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзини маънавий негизларига беписандлик, уларнинг қўпоришга қаратилган хатарли тахдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”

Ҳозирги шароитда глобаллашув билан боғлиқ баъзи жараёнлар, айниқса, “оммавий маданият” салбий ҳодиса, миллий қадриятлар ва ананалар билан боғлиқ маданиятга қарши сифатида намоён бўлаётгани, аслида эса бундай жараёнларга “оломон маданияти” деб атасак тўғри бўлади. Шу жиҳатдан олим У.Саидов ўзининг асарида америкалик олим П.Бьюкененнинг қуйидаги фикрларни келтиради: “Америкача мафқуралашган давлатда ўз янги ақидаларини армия ва полиция орқали эмас, оммавий маданият инквизиторлари ёрдамида жаҳонга сингдирилаётган “юмшоқ тирания” га айланган”. “Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари (ОАВ), телевидение маданиятни “оломонлаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи булиб хизмат қилмоқда. Бу аввало, одамларнинг ҳақиқатда вақти бўлган, қайғу ва хурсандчиликларини ифодалаган, уларни қизиқтирган ҳар қандай муаммони товарга, бир қолипга солган кўнгилхушликка айлантирилишида намоён бўлади”. Ҳозирги глобаллашув шароитига келиб “оммавий маданият” орқали миллий қадрият ва анъаналар тизимини, тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада эса ғарб мамлакатлари томонидан маданият “қолиплари” ни ишлаб чиқарилаётганлигидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бу ўзгариш аввало, ғарбона индивидуализм томон ҳаракат қилинаётганлигидан дарак бермоқда. Бу билан глобаллашув шароитидаги “оммавий маданият” нинг таъсири натижасида миллий маданиятларини ўзига хослигининг йуқолиб бориши, кам сонли халқларнинг ўз тили ва урф-одатларини унитиши, ҳаттоки, унинг йуқолиб кетиши ҳолатларини келтириб чиқаради. Жаҳонда ғарбона кийиниш кенг тарқалаётган бир пайтда ўзига модага айланиб бораётган либосини кийган, аслида манқуртлик касаллиги кўринишларидан бири - “оммавий маданият” кўринишининг умумжаҳон маданиятга айланаётганидан далолат бермоқда.

Дунёнинг ҳозирги кундаги халқаро алоқаларида, адабиётлар ва жаҳондаги ўзаро мулоқотларда “маданият иқтисодиёти”, “маданият индустрияси” каби тушунчалар кўп қўлланилмоқда. Жаҳон миқёсида трасмиллий корпорацияларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг фаолияти кенг ёйилиши натижасида миллий ишлаб чиқаришнинг кенг тарқалиши ва миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқиши, масалан, Туркияда ишлаб чиқарилган “Мерседес”, Хитойда ишлаб чиқарилган япон техникаси, бутун жаҳонни эгаллаган “Макдональд”, “Кока-кола” каби ҳодисалар мазкур тушунчалар доирасида бўлиб, “оммавий маданият” ни нусхалаб кўпайтириш ва

у орқали дунёда ҳуқумронлик қилиш вазифаларини ўтамоқда. Бу ҳам эса маданият рамзлари ва маданий ахборотни оммавий ишлаб чиқариш бўйича "глобал маданият" нинг шаклланишига олиб келади. Биз "оммавий маданият" нинг қай даражада ривожланаётганлиги унинг инсонлар, айниқса ёшлар онгига таъсири масалаларини кўриб чиқдик, уни баъзи кўринишлари ҳақида тўхталдик. Энди "оммавий маданият" нинг ўзи яна қандай кўринишлари мавжуд деган савол туғилади. Буларга қуйидагиларни кетириш мумкин, жумладан: кино ва видеофильмлар, театр, адабиёт ва санъат (рассомчилик, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, мусиқа ва бошқалар.), матбуот ва телевидение (оммавий ахборот воситалари), кийиниш маданияти (модалар кўриклари), овқатланиш маданияти (овқатланиш тарзининг бир хиллашуви), Интернет ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Бу кўринишдаги "оммавий маданият" ларни ривожланиб бораётганлиги, авваламбор, дунёда "ҳуқумронлик қилиш мақсадида ҳаракат қилаётган давлатларнинг шахсий манфаатларини қондириш учун мафқуравий мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқдир. Ўз-ўзидан аёнки, кучли давлатлар ўз ҳаётини, аввало, маданий рамзларини ҳимоя қилиш учун барча воситаларни ишга солади, ўз "яшаш тарзлари" ва маданиятларини бошқа ҳудудларга ёйиш каби, бошқача айтганда, маданий рамзлар интервенцияси орқали дунёни ўз таъсири остига олишга ҳаракат қилади. Ўз навбатида, маданий унификациялаш, маданий ранг-барангликни инкор этишга бўлган ҳаракатлар маданий идентификациялаш, яъни маданий ўзига хосликни сақлаб қолишга интилишни юзага келтирмоқда. Бунинг хавфли томонларини таникли инглиз социологи З.Бауман қуйидагича ифодалайди: "Индивидуаллашган жамият уч ҳарактерли хусусиятга хос: инсон томонидан ижтимоий жараёнлар устидан назоратнинг йуқолиши, кишининг жамиятдаги ўзгаришлар қаршисидаги, уларни назорат қилиш имконияти йўқлиги туфайли, ҳимоясизлиги ва ўзи яшаши керак бўлган мавҳум, ноаниқ воқелик қаршисидаги ҳимоясизлиги; буларнинг оқибати ўлароқ инсоннинг узоқ муддатли мақсадларини, ҳаётини стратегияларини режалаштириб рўёбга чиқара олмагани туфайли, уларни унчалик салмоққа эга булмаса-да, дарҳол қўлга киритиладиган натижалар билан алмаштиришидир. З.Бауман салбий жиҳатларни ўзида мужассам этган индивиднинг пайдо бўлганлигини қайд этган, чунки у ижтимоий муҳитдан, жамоадан ажралиб қолган, ўзгалар ҳақида ўйлаш қобилиятдан, жавобгарлик ва яқдиллик туйғусидан маҳрум бўлган ҳамда фақат қисқа муддатли вазифаларни олдиға қўйиб, бугунги кун билан яшайдиган кишига айланган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, "оммавий маданият"

кишига инсонийлик, шахс мартабасини берадиган миллий маданиятидан, маънавиятидан, тарихий хотирадан маҳрум этади.

Хулоса қилиб айтганда, аввало, глобаллашув – бу ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёндир. Шунингдек, халқларнинг маданиятига кучли таъсир этувчи ҳодиса сифатида ўрганилади. У дунёда иқтисодий интеграциянинг ижобий омили ва миллий иқтисодиётнинг натижали ўзгаришга кўмакчи сифатида қабул қилинган. Аммо, дунёда ахборот алмашинувининг ўсиши билан у маданият, илм-фан соҳасига ҳам кириб келди. Натижада миллат маданиятига таъсир этувчи маънавий таҳдидлар инсоният олдида янги муаммоларни келтириб чиқаради.

REFERENCES

1. Алломуротов Ш.А. Глобаллашув асослари. Термиз, 2014. -Б. 120.
2. Kaipbergenova, D. (2016). CHET TILI O'QITUVCHILARINING KASBIY VAZIFALARI VA PEDAGOGIC MANORATI HAQIDA. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, 33(4), 48-50.
3. Каипбергенова, Д. О. (2020). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКИ ОРГАНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ НА ОСНОВЕ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ. In *Инновационное развитие: потенциал науки и современного образования* (pp. 211-213).
4. Каипбергенова, Д. О. (2016). The role of language learning strategies in learning foreign languages. *Молодой ученый*, (12-4), 83-85.
5. Orakbaevna, K. D. (2023). MAMLAKATIMIZDA CHET TILLARINI O'RGANISHDAGI ZAMONAVIY METOD VA METODOLIYA. *Научный Фокус*, 1(1), 1472-1478.
6. Orakbaevna, K. D. (2023). GLABALLASHUV DAVRIDA TA'LIM VA TARBIYANING UZVIYLIGI. *Научный Фокус*, 1(1), 1466-1471.
7. Kaipbergenova, D. (2023). BUGUNGI KUNDAGI MAMLAKATIMIZDA TA'LIM TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR VA ULARNING NATIJALARI. *World scientific research journal*, 15(2), 3-7.
8. Каипбергенова, Д., & Жуманиёзова, Н. С. (2023). БУГУНГИ КУН ТАЛАБА ЁШЛАРИДА АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(5), 652-668.

9. Nosirov R. A. EDUCATIONAL PROBLEMS IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 82-85.
10. Adilovich, N. R., Sharifovna, Y. N., Upashevna, A. L., Vladimirovna, T. S., & Juraevna, N. N. (2020). The phenomenon of friendship in the social views of eastern thinkers. *Journal of Critical Reviews*, 7(13), 4695-4698.
11. Носиров, Р. А., & Темирова, С. В. (2021). Педагогическое наследие мыслителей Средней Азии. *Достижения науки и образования*, (2 (74)), 4-5.
12. Носиров, Р. А., & Темирова, С. В. (2021). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ТРАНСПОРТНОГО СООБЩЕНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ. *Научный журнал*, (1 (56)), 17-19.
13. Adilovich, N. R., Sharifovna, Y. N., Upashevna, A. L., Vladimirovna, T. S., & Juraevna, N. N. (2020). The phenomenon of friendship in the social views of eastern thinkers. *Journal of Critical Reviews*, 7(13), 4695-4698.
14. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO ‘NALISHI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 242-248.
15. Adilovich, N. R., & Temirova, S. V. (2023). ECONOMIC REFORMS, FORMATION OF PRIVATE OWNERSHIP HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF MARKET RELATIONS IN UZBEKISTAN. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 11, 107-109.
16. Adilovich, N. R., & Temirova, S. V. (2023). ECONOMIC REFORMS, FORMATION OF PRIVATE OWNERSHIP HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF MARKET RELATIONS IN UZBEKISTAN. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 11, 107-109.
17. Nosirov, R. A., & Temirova, S. V. (2022). MUSTAQIL O ‘ZBEKISTON KONSTITUTSIYASINING QABUL QILINISHINING TARIXI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 177-182.